



ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ СТАТИСТИК ИНДИКАТОРЛАР ТИЗИМИ

Зуфар Нуриддинов

*PhD, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
Тошкент, Ўзбекистон. e-mail: zufarnuriddinov@mail.ru*

ORCID:0000-0001-8219-028X

Сулаймон Тангрибердиев

*Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
Тошкент, Ўзбекистон. e-mail: sulaymontangriberdiev@gmail.com*

ORCID:0000-0003-0293-1434

Миржон Эргашев

*Бухоро давлат университети, Иқтисодиёт кафедраси, ўқитувчи,
Бухоро, Ўзбекистон. e-mail: mirjonergashev@mail.ru*

ORCID:0000-0003-1958-5419

SYSTEM OF STATISTICAL INDICATORS REPRESENTING THE PROCESSES OF INNOVATIVE DEVELOPMENT

Zufar Nuriddinov

*Ministry of economic development and poverty reduction of the republic of Uzbekistan,
PhD, Tashkent, Uzbekistan. e-mail: zufarnuriddinov@mail.ru*

ORCID: 0000-0001-8219-028X

Sulaymon Tangriberdiev

*Ministry of economic development and poverty reduction of the republic of Uzbekistan,
Tashkent, Uzbekistan. e-mail: sulaymontangriberdiev@gmail.com*

ORCID:0000-0003-0293-1434

Mirjon Ergashev

*Bukhara state university, Economics department, teacher, Bukhara, Uzbekistan.
e-mail: mirjonergashev@mail.ru*

ORCID:0000-0003-1958-5419

JEL Classification: C01, C1, C15

Аннотация: Ушбу мақола мамлакатнинг инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимига йўналтирилган ҳамда тадқиқот натижасида илмий тавсиялар таклиф этилган. Натижада халқаро тажрибалар ҳамда мамлакатда мавжуд статистик индикаторлар

tizimi ўрганилиб янги индикаторлар таклиф этилган. Таклиф этилган индикаторлар тизимини шакллантиришда инновацион салоҳиятни ривожлантиришига таъсир қилувчи омилларни инобатга олиш лозимлиги ҳақида фикрлар келтирилган.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, хусусан инновацион жараёнларнинг ривожланиш ҳолатини ўрганиш учун, уларнинг индикаторлар тизимининг бўлиши муҳим. Буларни инобатга олган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг натижаси сифатида халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрни яхшиланиб бормоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмни жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ-6003-сонли Фармонида қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишида.

Иқтисодиётда инновацион ривожланишни статистик баҳолашда индикаторлар тизимини қўллаш зарурлиги ҳаммага маълум. Лекин, адабиётларда бу тизимни яратиш бўйича, биринчидан, индикаторлар сони ва гуруҳлари бўйича, иккинчидан, уларнинг аниқ бир битта кўрсаткич бўйича статистик баҳоланишини кўрсатиб берувчи индикаторнинг алгоритмлари ёки классификаторлари тўлиқ шакллантирилмаган.

Мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланишини ҳар қандай индикаторлар тизими билан баҳолаб бўлмайди. Уларни ҳисоблашда кўпчилик олимлар қуйидаги тамойилларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлашади: бир бутунлик ёки яхлитлик, унинг функционал-таркибий тузилиши; халқаро ва мамлакатда қўлланадиган стандартларга мос келиши; мантиқий

боғлиқлиги – итеративлиги; мамлакат ташкилотларининг сифатли ва тезкор ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш; кўп вариантлик ёки баҳолашнинг кўп ўлчамлилигини ва тизим таркибий хусусиятларини очиқ бериш; эҳтимолий баҳолаш ва ахборот базаларига кириш мумкинлиги; интеграл кўрсаткични ҳисоблаш ҳамда интерпретация қилиш ва бошқалар.

Хусусан, инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларни салбий ва ижобий турларига бўлиб берилган. Бундан ташқари, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ҳақидаги таҳлил ва хулосалар ҳам берилган.

Калим сўзлар: инновация, статистик индикаторлар, инновацион ривожланиш, инновацион салоҳият, инновацион натижадорлик.

Abstract: This academic paper concentrates on the system of statistical indicators that represents innovative development processes of the country and also it presents scientific recommendations based on the results of the study. Consequently, international experience and the existing system of statistical indicators in the country were studied, as well as new indicators were proposed. Current article suggests several views that there is a necessity to take into account the factors influencing the development of innovative potential in the formation of the proposed system of indicators. In detail, the factors influencing the development of innovative potential are divided into negative and positive types.

It is important to have a system of indicators to systematically analyze the level of socio-economic and political-legal development of the country, in particular, to study the state of development of innovation processes. With this in mind, as a result of radical changes taking place in our country, the country's position in international rankings and indices is improving. This is due to the timely implementation of the tasks set by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 3, 2020 PF-6003 "On improving the position of the Republic of Uzbekistan in international rankings and indices and the introduction of a new mechanism of systematic work with government agencies and organizations."

It is well known that it is necessary to use a system of indicators in the statistical assessment of innovative development in the economy. However, in the literature on the creation of this system, firstly, the algorithms or classifiers of the indicator, which show the statistical evaluation of the number and

Кириш. Бугунги кунда жаҳонда инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар ва улар асосида мамлакатларнинг инновацион ривожланиш даражаларига баҳо беришга доир қатор амалий ва илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, инновациялар учун ғоялар ва концепцияларни бозорга чиқаришдан олдин ва уларни тижоратлаштиришдан кейин, айниқса инновацион жараённинг дастлабки босқичларини баҳолаш учун қандай аниқ кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин? Бу савол олимлар, менежерлар ва тадқиқотчилар томонидан қайта-қайта сўралади. Инновация кўрсаткичларини ўрганувчи нашрлар сонининг кўпайиши ушбу саволга жавобларга бўлган талабни акс эттиради. Бироқ, мавжуд тадқиқотларга қарамай,

groups of indicators, and secondly, their specific single indicator, are not fully formed.

The innovative development of the country's economy cannot be assessed by any system of indicators. In calculating them, most scientists emphasize the need to follow the following principles: a whole or integrity, its functional-structural structure; compliance with international and national standards; logical connection - iterative; meeting the needs of the country's organizations for quality and timely information; disclosure of multivariate or multidimensional evaluation and system components; access to potential assessments and databases; calculation and interpretation of integral indicators, etc.

In addition, current regulations provide analysis and conclusions on the targets of innovative development of the Republic of Uzbekistan by 2030.

Key words: *innovations, statistical indicators, innovative development, innovative potential, innovative efficiency.*

индикаторлар тизимини ҳали ҳам яхшироқ тушуниш керак.

Инновацион индикаторлар кўплаб инновацион ғоялар ва концепцияларни бошқариш ва назорат қилиш учун ажралмас ҳисобланади. Бундан ташқари, инновацияларни баҳолаш жараёнини такомиллаштириш инвесторларга янги корхоналарни молиялаштиришда ҳам ёрдам бериши мумкин.

Инновацион жараённинг олд томонига эътибор қаратган ҳолда инновацион кўрсаткичларни тушунишни такомиллаштириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу тадқиқотнинг қизиқиши бутун инновацион жараён давомида инновацион самарадорлик ортида турган кўрсаткичлар ва омилларга боғлиқ.

Инновацион кўрсаткичлари, инновацион ўлчовлар ва омилларнинг хусусиятларини ўрганади. Шунингдек, инновацион жараёнлар турли босқичлар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш ва хизмат)ларни яратиш вақтида пайдо бўладиган инновацион кўрсаткичлар билан тўлдирилади. Ушбу тўлдириш барча мавжуд олдинги кўрсаткичларни ҳар томонлама кўриб чиқишга олиб келади ва у кейинги тадқиқотлар учун бошланғич нуқтага айланади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, хусусан инновацион жараёнларнинг ривожланиш ҳолатини ўрганиш учун, уларнинг индикаторлар тизимининг бўлиши муҳим. Буларни инобатга олган ҳолда, юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг натижаси сифатида халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрни яхшиланиб бормоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ-6003-сонли Фармонига қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишида.

Ушбу халқаро рейтинг ва индекслардан бири Глобал инновацион индекс (Global Innovation Index)да ҳам мамлакатнинг ўрни яхшиланиб бормоқда. Бунда албатта, инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимини яратиш ва такомиллаштириб бориш жуда муҳим. Шунинг учун, инновацион ривожланиш жараёнларини статистик ўлчаш

борасидаги мукамал норматив-ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 24 июлдаги «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ЎРҚ-630-сонли ва 2021 йил 11 августдаги «Расмий статистика тўғрисида»ги ЎРҚ-707-сонли қонунлари, 2020 йил 3 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4796-сонли ҳамда 2021 йил 1 апрелдаги «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5047-сонли қарорлар каби бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Шу нуқтаи-назардан инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимини мукамал даражада яратиш ҳамда уларни такомиллаштириб бориш муҳим ҳисобланади.

Инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимини ҳамда улар асосида мамлакат ва унинг ҳудудларининг инновацион ҳолатга статистик баҳолашни назарий ҳамда услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш жараёнида бир қатор Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари, мамлакатимиз олимлари ва хориж мамлакат олимлари олиб борган тадқиқотларни ўргандик ҳамда ўзимизнинг тадқиқотимизни амалга оширдик.

Хориж мамлакатлари олимларидан:

Жаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти томонидан чоп этиладиган йиллик Глобал Инновациялар индекси муаллифи Сумитра Дутта (Soumitra Dutta) Инновациялар ҳақидаги энг тўлиқ тасаввурни тақдим этиш учун мўлжалланган индекс ҳар бир мамлакатдаги сиёсий вазият, таълим тизими, инфратузилма ва билимларни яратиш бўйича кўрсаткичларни ўз ичига олган 80 га яқин кўрсаткични қамраб олаган рейтинг тизимини яратган ҳамда бошқа тадқиқот ишларида ҳам бу индикаторларни такомиллаштириб борган [1,2,3].

Stefan Hittmar, Michal Varmus, Viliam Lendel томонларидан «Кўрсаткичлар тўплами орқали инновацион стратегияни муваффақиятли қўллашни баҳолаш тизими» номли мақоласида, инновацион жараённинг турли босқичларини ҳисобга олган ҳолда инновацион стратегияни муваффақиятли қўллаш учун мос кўрсаткичлар тизими таклиф қилинган [4].

Ekaterina Kharchenko, Elena Alreeva, Olga Ovcharova каби тадқиқотчилар томонидан «Россия минтақаларининг инновацион салоҳияти: таҳлил қилишнинг услубий жиҳатлари ва ривожланиш тенденциялари» номли тадқиқот ишида минтақанинг инновацион салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимини таклиф қилган [5].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан:

Миллий тадқиқот университети «Иқтисодиёт олий мактаби», Статистик тадқиқотлар ва билимлар иқтисодиёти институти ва Россия кластер обсерваторияси илмий тадқиқотчилари «Россия Федерацияси субъектларининг инновацион ривожланиш рейтинги»ни инновацион ривожланиш индикаторлар

тизимини умумлаштирган ҳолда ҳар йил эълон қилиб боради [6].

Бурцева Т.А., Сотников А.А., Сухинин И.В. каби олимларнинг «Калуга вилоятининг минтақавий инновацион тизимини шакллантириш» мавзусидаги монографиясида инновацион тизимни шакллантиришда индикаторлар тизимини таклиф қилган [7].

Бортник И.М., Сенченя Г.И. ва бошқалар томонидан «Россия минтақаларининг инновацион ривожланишини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизими» номли мақоласида Россия ҳудудларининг инновацион ривожланиш индексининг таркибий қисмларини таклиф қилган [8].

Мамлакатимиз олимларидан:

Д.Х.Шадиева иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа докторлик ишини «Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш» мавзусида қилиб, бунда миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини ифодаловчи индикаторларни таҳлиллар орқали ёритиб берган [9].

З.А.Нуриддинов илмий изланишларидан «Минтақаларнинг инвестицион ва инновацион статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш» номли мақоласида инновацион ривожланишнинг статистик кўрсаткичларини таҳлил қилиб таклифларини берган [10].

Юқорида қайд этилган ва бошқа илмий тадқиқот ишлари инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимини таҳлил қилиш ҳамда инновацион ривожланишни баҳолаш муаммоларини назарий ва амалий жиҳатдан илмий ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Аммо,

мазкур тадқиқотлардан келиб чиқиб илмий мақолада ҳозирда олиб борилаётган ислохотларни инновацион муҳит орқали боғлаш, ишлаб чиқилган стратегияларни мониторинг қилишда инновацион индикаторни ҳам инобатга олиш ҳамда инновацион ривожланиш индикаторлар тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Материал ва метод. Халқаро амалиётда мамлакатларнинг инновацион ривожланиш индикаторларини шакллантиришда катта тажриба тўпланган. Хорижий тадқиқотчилар томонидан бу масалага катта эътибор қаратилаётгани мамлакатларнинг инновацион ривожланиш даражаси унинг иқтисодиётининг жаҳон маконида рақобатбардошлигини белгилаб бериши билан изоҳланади.

Мамлакатларнинг инновацион ривожланишининг энг машҳур рейтинглари: Европа инновациялар рейтинги (The European Innovation Scoreboard – EIS), Халқаро инновациялар индекси (The International Innovation Index – III), Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index – GCI), Глобал инновациялар индекси (The Global Innovation Index – GII).

Ушбу рейтинглардан Глобал инновациялар индексида (The Global Innovation Index – GII) 2021 йилда Ўзбекистон 86-ўринни эгаллаган. Бу глобал инновациялар индексида 80дан ортиқ индикатор бўйича мамлакатларнинг ўринлари ҳисобланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш даражаси бўйича 50 та ривожланган давлатлар орасига кириш вазифаси қўйилган. Ушбу ҳолатнинг муҳимлигини англаган ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг инновацион

ривожланишини рағбатлантириш учун бир қатор чоралар кўрилмақда.

Иқтисодиётда инновацион ривожланишни статистик баҳолашда индикаторлар тизимини қўллаш зарурлиги ҳаммага маълум. Лекин, адабиётларда бу тизимни яратиш бўйича, биринчидан, индикаторлар сони ва гуруҳлари бўйича, иккинчидан, уларнинг аниқ бир битта кўрсаткич бўйича статистик баҳолашини кўрсатиб берувчи индикаторнинг алгоритмлари ёки классификаторлари тўлиқ шакллантирилмаган.

Мамлакат иқтисодиётининг инновацион ривожланишини ҳар қандай индикаторлар тизими билан баҳолаб бўлмайди. Уларни ҳисоблашда кўпчилик олимлар қуйидаги тамойилларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлашади: бир бутунлик ёки яхлитлик, унинг функционал-таркибий тузилиши; халқаро ва мамлакатда қўлланадиган стандартларга мос келиши; мантиқий боғлиқлиги – итеративлиги; мамлакат ташкилотларининг сифатли ва тезкор ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш; кўп вариантлик ёки баҳолашнинг кўп ўлчамлилигини ва тизим таркибий хусусиятларини очиб бериш; эҳтимолий баҳолаш ва ахборот базаларига кириш мумкинлиги; интеграл кўрсаткични ҳисоблаш ҳамда интерпретация қилиш ва бошқалар.

Ушбу тамойилларни инкор қилмаган ҳолда, фикримизча, статистик индикаторлар тизими ўрганилаётган ва таҳлил қилинаётган мамлакатнинг инновацион ривожланишини тўлиқ характерлай олиши ва ички хусусиятларини очиб бериши ҳамда ташқи алоқаларни баҳолаши, энг асосийси, мамлакатнинг инновацион – стратегик ривожланиши асосида аҳоли

турмуш даражаси ва ҳаёт сифати ўсишини ифодалаш керак.

Кейинги пайтларда инновациянинг моҳияти ҳамда аҳамияти ошиши муносабати билан мамлакатни инновацион ривожланиш индикаторлари ҳисоблана бошланди. Фикримизча, мамлакатнинг инновацион ривожланишини баҳолашда фойдаланиладиган индикаторлар тизими ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки уларнинг кўпчилиги биринчидан, инновацион ривожланишга бир томонлама баҳо беради, иккинчидан, улар асосан бозор иқтисодиётига ўтиш даври учун ишлаб чиқилган, учинчидан, мамлакатда улар республика ёки вилоятлар бўйича ҳисобланилади, тўртинчидан, улар инновацион ривожланиш талабларига деярли жавоб бермайди, айниқса, уларда шаҳар ва туманларда инновацион ривожланиш қай тарзда кетмоқда, деган саволга жавоб йўқ, энг асосийси, уларни ишлаб чиқишда

яхлитлик тамойили бузилган, яъни мавжуд индикаторлар хўжалик юритиш босқичларини алоҳида ва биргаликда баҳолай олмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, фикримизча, авваламбор инновацион салоҳият тушунчасига эътибор қаратиш лозим, яъни мамлакат ёки ҳудудлардаги ҳолат қандай инновацион салоятга эга эканлигини аниқлаштириш керак. Ундан сўнг, инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир қиладиган омилларни инобатга олиш лозим, шунда инновацион ривожланишни ифодаловчи статистик индикаторларни шакллантириш ва яратишда уларга таъсир қиладиган омиллар қайси факторлар бўлишини билган ҳолда статистик баҳолаш амалга оширилади. Қуйида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларни санаб ўтамиз.



1-расм. Инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар¹

Фикримизча инновацион салоҳиятни ривожлантириш вазифаси ижро ҳокимияти томонидан устувор вазифа сифатида қаралиши лозим.

Ижро этувчи ҳокимиятнинг роли интеллектуал, илмий-техник салоҳиятидан қисқа муддатларда ва юқори самарадорлик билан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берувчи инновацион тизимни ташкил этишдан иборат. Тўғри олиб борилган инновацион сиёсат - бу давлат иқтисодий таназзулни енгиб ўтиш ва қайта қуришни таъминлаш ва бозорни турли хил рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга қодир бўлган кучли воситадир.

Юқоридаги жараёнлардан сўнг инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда жаҳондаги халқаро индексларини эълон қиладиган рейтинг компаниялари бир нечта индикаторлардан фойдаланади.

Натижалар. Жаҳонда глобал инновациялар индексида 83 та индикатордан фойдаланилади. Мамлакатимизда охириги йилларда инновацион маҳсулотлар ҳажмини оширишга бўлган эътибор жуда катта ҳамда халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар ҳам жуда юқори суръатларда олиб бормоқда. Хусусан, булар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июнда «Ўзбекистон Республикасининг

халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги ПФ-6003-сонли фармони қабул қилинган. Бу фармон мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги барча ўрнини яхшилашга қаратилган бўлса, яйнан глобал инновациялар индексидаги мамлакат ўрнини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрда «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли фармони қабул қилинган. Бунга кўра, фармоннинг 1-иловасида «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси» тасдиқланган бўлса, 3-иловасида «Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари» тасдиқланиб, 2030 йилгача ушбу кўрсаткичларни яхшилаш вазифаси қўйилган. Ушбу фармонда жами 83 та кўрсаткичлар давлат қурилиши, инсон капитали ва тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, инфратузилмани ривожлантириш, бозорларни ривожлантириш, бизнесни ривожлантириш, фан ва технологиялар ҳамда ижодий натижаларни ривожлантириш соҳаларига бўлиниб берилган. Қуйидаги 1-жадвалда[11] бозорларни ривожлантириш ва бизнесни ривожлантириш соҳаларидаги кўрсаткичлар келтирилган.

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари²

№	Кўрсаткичлар номи	Ўзбекистон позицияси (2015)	Мақсад (2030)
1.	Кредит олишнинг оддийлиги	40	70,0
2.	Хусусий секторга ички кредит бериш	-	22,0
3.	Микромолия ташкилотларининг кредит портфели	10,40	12,0
4.	Миноритар инвесторлар ҳимоясининг оддийлиги	50,8	80,0
5.	Бозор капиталлашуви	2,38	24,0
6.	Венчур капитал бўйича келишувлар		30,0
7.	Қўлланиладиган тариф ставкаси, ўртача кўрсаткич	82,9	96,67
8.	Маҳаллий рақобатнинг интенсивлиги	-	75,0
9.	Ички бозор ҳажми	-	500,0
10.	Илм-фанга асосланган соҳаларда бандлик	-	60,0
11.	Расмий ўқитишни таклиф қилувчи фирмалар	9,89	56,0
12.	Бизнес-корхоналар томонидан қилинган тадқиқотлар ва ишлаб чиқишларга ялпи харажатлар	-	16,5
13.	Бизнес-корхоналар томонидан бажарилган тадқиқотлар ва ишланмаларга ялпи харажатлар	-	60,0
14.	Олий маълумотли аёлларнинг ишлаши	-	50,0
15.	Университетлар ва соҳалар ўртасидаги илмий ҳамкорлик	-	50,0
16.	Кластерни ривожлантириш ҳолати	-	50,0
17.	Хорижда молиялаштириладиган тадқиқот ва ишланмаларнинг ялпи харажатлари	-	19,0
18.	Қўшма корхона/стратегик уюшмалар	8,29	12,5
19.	Икки идорага берилган патент буюртманомалари	2,28	40,0
20.	Интеллектуал мулк тўловлари	-	30,0
21.	Юқори технологияли импорт	-	43,0
22.	АКТ хизматлари импорти	-	44,5
23.	Тўғридан-тўғри ва хорижий инвестицияларнинг кириб келиши	44,93	50,0
24.	Бизнесда тадқиқотчилик истеъдоди	-	20,0

1-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эътибор қиладиган бўлсак, кўрсаткичларнинг аксарият қисмида 2015 йилга ҳаттоки рейтинг эълон қилинмаган. Бундан кўриниб турибдики, инновацион ривожланиш

жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар тизимининг яхлит шакли шакллантирилмаган ёки статистик ҳисоблаш базалари яратилмаган.

Фикримизча юқоридаги умумий кўрсаткичларни яхшилаш учун, биринчидан мамлакат ва унинг

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

минтақаларида мавжуд ресурс ҳамда салоҳиятдан самарали фойдаланиб, мамлакатдаги шаҳар ва туманларнинг ихтисослашувига аҳамият қаратиб мавжуд инновацион салоҳият орқали инновацион маҳсулотлар ҳажмини ошириш лозим.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи индикаторлар тизимига биринчи навбатда қуйидагиларнинг статистик ҳисоботлари юритилиб ҳисоблаб борилиши мақсадга мувофиқ.

Инновацион ривожланишнинг натижавийлигини ифодаловчи индикаторлар тизими:

➤ инновацион технологияларни жорий қилган корхона ва ташкилотларнинг молиявий мустақиллик коэффиенти;

➤ инновацион технологиялар асосида ишлайдиган корхона ва ташкилотларнинг тўлов қобилияти коэффиенти;

➤ инновацион технологияларни жорий қилган корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати;

➤ инновацион технологиялар асосида ишлайдиган корхоналарнинг жами корхоналар сонига нисбати;

➤ инновацион технологиялар асосида ишлайдиган корхона ва ташкилотларнинг рентабеллик даражаси(турли шаклларда);

➤ инновацион технологиялар асосида ишлайдиган корхона ва ташкилотларнинг ресурслар қайтими;

➤ инновацион технологияларни жорий қилган корхона ва ташкилотларга киритилган инвестициялар ҳажми ўзгариши.

Инновацион салоҳиятни ифодаловчи индикаторлар тизими:

➤ мамлакат ҳамда унинг минтақалари ёки туман ва шаҳарларининг 10 минг аҳоли сонига кўра студентлар сони;

➤ мамлакат ҳамда унинг минтақалари ёки туман ва шаҳарларининг ҳар

1000 аҳолиси сонига кўра инновацион фаол корхоналарнинг ходимлари сони;

➤ инновацион фаол корхоналар ходимларининг умумий сонига докторлик, фан номзодларининг солиштира салмоғи;

➤ саноат ишлаб чиқаришда асосий фондларнинг эскириш даражаси;

➤ ЯИМ(ЯҲМ)нинг бир бирлигига тадқиқот ва ишланмаларга ички харажатлар миқдори;

➤ тадқиқотларни бажаришда барча ходимларнинг сонига тадқиқотчилар салмоғи;

➤ тадқиқотларни бажаришда барча ходимларнинг сонига фан номзоди ва фан докторларининг салмоғи;

➤ бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқот ва ишланмалар билан шуғулланадиган ташкилотлар сони;

➤ глобал ахборот тармоқларидан фойдаланувчи ташкилотлар салмоғи;

➤ МДҲ ва Европа Иттифоқи мамлакатлари билан тадқиқот ва ишланмаларни ишлаш учун қўшма лойиҳалар сони.

Бу икки йўналишдаги индикаторлар тизимини яхшилаш орқали мамлакат ва унинг минтақаларида инновацион лойиҳалар, инновацион маҳсулотлар ҳамда умумий инновация ҳажмлари ошади.

Хулоса. Ушбу мақола илмий-тадқиқот ва инновациялар учун статистик индикаторлар тизимини

такомиллаштириш орқали мамлакатдаги инновацион муҳитнинг салоҳияти ва натижавийлигига баҳо берувчи кўрсаткичлар кўрсатилди. Ҳозирги жаҳоннинг тараққиёт топган мамлакатларининг тажрибалари кўрсатишича, мамлакатнинг инновацион ривожланиши энг самарали ва юқори ликвидликка эга йўналишлардан бири.

Бундан ташқари, бу ўз навбатида иқтисодийни барқарор инклюзив ўсишни таъминлашнинг асосий шартларидан бири инновацион ривожланишни рағбатлантириш ҳисобланади. Бунинг учун, инновацион ривожланиш талабларини ифодаловчи статистик индикаторларни шакллантириш орқали белгиланган мақсадларга эришишдаги кадамларни статистик баҳолаб бориш

имконини яратади. Маълумки, Президентимиз фармонларида Республикаимизни 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингига бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакатлари қаторига кириш вазифаси кўйилган.

Мамлакатнинг инновацион ривожланиш жараёнларини ифодаловчи статистик индикаторлар асосан минтақа ёки шаҳар туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари асосида шакллантирилади. Юқорида келтирилган статистик кўрсаткичлар тизими ёрдамида мамлакат ва уларнинг минтақаларини инновацион ривожланишини баҳолаш амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://www.globalinnovationindex.org/analysis-indicator> (Жаҳон Интелектуал Мулк Ташкилотининг Глобал Инновациялар Индекси расмий сайти).
2. Soumitra Dutta. *Innovating at the Top: How Global CEOs Drive Innovation for Growth and Profit*, with Roland Berger, Geoffrey Samuels and Tobias Raffel. Palgrave MacMillan 2009.
3. Soumitra Dutta. *Entrepreneurship and the Finance of Innovation in Emerging Markets*, with Lourdes Casanova and Peter Cornelius. Elsevier 2018.
4. Stefan Hittmar, Michal Varmus, Viliam Lendel. *Proposal of Evaluation System for Successful Application of Innovation Strategy through a Set of Indicators*. *Procedia Economics and Finance* 26 (2015) 17 – 22.
5. Ekaterina Kharchenko, Elena Alpeeva, Olga Ovcharova. *Innovative Potential of Russian Regions: Methodological Aspects of Analysis and Development Trends*. *Procedia Economics and Finance* 14 (2014) 313 – 319.
6. Рейтинг инновационного развития субъектов Российской Федерации. Выпуск 6 / Г.И. Абдрахманова, С.В. Артемов, П.Д. Бахтин и др.; под ред. Л.М. Гохберга; Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2020. – 264 с.

7. Бурцева Т.А., Сотников А.А., Сухинин И.В. Формирование региональной инновационной системы Калужской области // Территории инновационного развития: монография / под науч. ред. А.А. Сотникова; ГУУ; Филиал ГУУ в г. Обнинске. – М.:ГУУ, 2010, С. 19-39. – 1,5 п.л.
8. Бортник И.М., Сенченя Г.И., Михеева Н.Н., Здунов А.А., Кадочников П.А., Сорокина А.В.. Система оценки и мониторинга инновационного развития регионов России. Инновационная экономика. Инновации № 9 (167), 2012 г.
9. Шадиева Д.Х. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети – 2020 й.
10. Нуриддинов З.А. Минтақаларнинг инвестицион ва инновацион статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш.// «Иқтисодиёт ва таълим» илмий журнали. 2018 йил, 2-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрда «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли фармони. www.lex.uz